


# ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

\*\*\* № 8 (178) \*\*\* 2009 YIL, СЕНТЯБРЬ \*\*\*

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN SHIQA BOSHLAGAN

Табиийки, устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорчилик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Зотан, бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар бўлган улуғ зот бу муаллим ва мураббийлардир.

Ислом КАРИМОВ

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ТАНТАНАЛАРИ

3 сентябрь – янги ўқув йилининг бошланиши жонажон Республикаларда, жумладан вилоятимизда Мустақиллик байрами, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик шодиёналари, қадимий Самарқандда “Шарқ тароналари” халқаро фестивали тантаналарига ҳамроҳан бўлиб қалбларимизда ўчмас из қолдирди.

Институтимизда шу тонгда байрамона руҳ ҳукмрон бўлди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг байроқларини кўтариб олган талаба ёшлар, устозларига гуллар тақ-

дим этаётган шогирдлар чеҳрасида табассум, қалбларида сурур ва шодлик барқ урарди.

Профессор – ўқитувчилар, талаба ёшлар, жамоамизнинг барча аъзолари бир-бирларини Мустақилликнинг 18 йиллиги ва янги ўқув йилининг бошланиши билан табриқладилар. Айниқса бу йил тест синовларини муваффақиятли топшириб, талабалikka қабул қилинган ёшларнинг хурсандчилиги ҳаммасидан ҳам зиёда...

Эрталаб соат 8.30 да Ўзбекистон Давлат мадҳияси

янгради ва шундан сўнг биринчи кўнғироқ чалинди. Талабалар таъмирдан чиқарилган тоза ва озода ўқув хоналарига азиз устозлари хузурига кирдилар. Биринчи дарс – Мустақиллик дарслари бошланди. Шу куни янгидан талабалikka қабул қилинган ёшларни ҳам институт ўз иссиқ бағрига олди.

Профессор ўқитувчилар ва талаба ёшларни институт ректори, профессор О. Дўсматов, Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари Б. Қаландаров янги ўқув йили билан табриқладилар.

(Ўз мухбиримиз).

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР

18-19 сентябрь кунлари институтимиз маданият саройида “Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясини такомиллаштириш муаммо ва ечимлари” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон республикаси Халқ таълими ва

зирлиги ва Жиззах Давлат педогогика институти ҳамкорликда ўтказган ушбу анжуманни институт ректори, профессор О. Дўсматов кириш сўзи билан очди.

Конференцияда республика ва Қорақалпоғистон автоном республикаси олий ўқув юртлари етакчи олимларининг маърузалари тингланди. Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад-мактаб-

гача таълим муассасаларда машғулотларни ўтказишда педагогик технологиядан фойдаланиш, соғлом авлодни тарбиялашда узвийлик ва узлуксизлик, бадий эстетик дидни тарбиялаш, шунингдек болалар спортини яхши йўлга қўйиш бўйича олдимизда турган вазифаларни белгилаб олиш ҳамда ўзаро тажриба алмашишдан иборатдир.

### ЯНГИЛИКЛАР

## РЕСПУБЛИКАМИЗДА

29 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнқ кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

29 сентябрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда кўп йиллардан буён таълим соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган ўқитувчи ва мураббийлар, илғор педагоглар, ўқитувчиликдек шарафли ва масъулиятли касбни танлаган ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари, таълим тизимининг раҳбарлари, турли вазирлик ва идоралар,

жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

27 сентябрь куни пойтахтимиздаги «Универсал» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Махсус олимпиаданинг бадий гимнастика ва спорт гимнастика тури бўйича халқаро мусобақа яқунланди.

28 сентябрь куни пойтахтимизда Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ўтказилган Uz миллий доменидаги сайтларнинг Интернет-фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

МУҲАММАД ЮСУФ

## ОДДИЙ МУАЛЛИМ

Қадри билинади энди менга гоҳ,  
Олис мактабимнинг ўша беҳашам.  
Навоийку, бизга устоздир бироқ,  
Кимдир ўқитган-ку, Навоийни ҳам.  
Шундай буюк зотга ҳарф ўргатган ким,  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Тупрокдек хокисор безовта жонлар,  
Аммо қаноатда тоғдек улуғвор.  
Хатто Темурдайн соҳибқиронлар,  
Пирим деб, этагин ўпган зотлар бор.  
Қайсар жаҳонгирга йўл кўрсатган ким,  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Йўқдан Берунийни бинолар қилган,  
Машрабнинг машҳури дунёлар қилган.  
Хусайнни Ибн Синолар қилган,  
Абдуллонинг тилини бурролар қилган.  
Илон ўйнатгандек, сўз ўйнатган ким,  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Бу ҳаёт ниш санчиқларидан,  
Қоқилса кўтаргай қўлтиқларидан.  
Отадек эзилса, ғуссага ботса,  
Боладек қувонгай ютуқларидан.  
Уйқуда шогирдин ўйлаб ётган ким,  
Оддий муаллим-да оддий муаллим!

Улфат кўпу, аммо бир дўсти ҳамроҳ,  
Ҳалим тополмадим, ундан ҳалимроқ,  
Қанча маскан кўрдим, қанча олийгоҳ,  
Олим тополмадим, ундан олимроқ.  
Бола юрагимда бебаҳо тилсим,  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Юзга кираман мен, Худо хоҳласа,  
Юз йилдан кейин бир мўмин ўртоғим.  
Юзим ёпиб қўйса, жағим боғласа,  
Сўнгги сафар сари отланган чоғим,  
Фақат бир кимсадан бўлади қарзим,  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

## ИЛМИЙ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Институт илмий кенгашининг навбатдаги йиғилишда институт фаолияти билан боғлиқ бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.

2008-2009 ўқув йили якуни ва 2009-2010 ўқув йилига тайёргарликнинг бориши ҳақида ўқув ишлари проректори Н. Алимов, жорий ўқув йили иш режалари бўйича маърифий-маънавий ишлар проректори в.б. А. Тангиров, танлов ва ихтисослик фанлари ҳамда ўқув дастурлари тўғрисида ўқув бўлими бошлиғи Ф. Ҳайитов, дастурий ҳужжатларнинг бажарилиши ҳусусида институт ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи Э. Эргашев маъруза қилдилар.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича илмий кенгаш кенгайтирилган қарорлар қабул қилди.



Хам ўқитувчилар, ҳам талабалар билсин

Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан киритилган айрим ўзгаришларга институт ўқув бўлими бошлиғи Ф.Ҳайитов шарҳ беради:

Бундан аввалги Низомда "талабалар билимини рейтинг тизими орқали баҳолаш" деган бандга "талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолаш" деган жумла киритилди. Ўз-ўзидан маълумки, талабалар билимини баҳолаш эмас, аввало уни назорат қилиш биринчи масала даражасига кўтарилиди. Демак, талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришда бўшлиқлар ҳосил бўлиши олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

Шунингдек, Низомнинг 2-бандида талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш бош вазифа қилиб қўйилган.

Назорат турлари ва уларни амалга ошириш тартибларида ЖБ (жорий баҳолаш), ОБ (оралиқ баҳолаш), ЯБ (якуний баҳолаш) ўрнига ЖН (жорий назорат), ОН (оралиқ назорат), ЯН (якуний назорат) киритилди.

Таълим йўналиши ва мутахассисликлари айрим фанларининг хусусиятларидан келиб чиқиб факультет илмий кенгаши қарори асосида кўпи билан 40 фоиз фанлардан якуний назоратлар бошқа шаклларда (оғзаки тест ва ҳокazo) ўтказилиши мумкин.

Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилиб, комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолда оралиқ назорат натижалари бекор қилиниши мумкин. Бунда оралиқ назорати қайта ўтказилади.

Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда якуний назорат натижалари бекор қилиниши мумкин. Бунда ҳам якуний назорат қайта ўтказилади.

Ўқув йили тугагандан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра талабаларни

кейинги курсга ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибга қарор қабул қилинади. Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади. Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр

давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Якуний назорат - 15 балл;

Жорий ва оралиқ назоратларга -85 балл (фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 85 балл кафедра томонидан жорий ва оралиқ назоратларга тақсимланади).

Талабанинг рейтинг дафтарчасига алоҳида қайд қилинадиган курс иши (лойиҳаси, ҳисоб-график ишлари), малакавий амалиёт, фан (фанлараро) бўйича якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ва магистратура талабаларининг илмий тадқиқот ва илмий - педагогик ишлари, магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш даражаси - 100 баллик тизимда баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги намунавий мезонлар (кейинги ўринларда намунавий мезоналар деб юритилади) тавсия этилади:

86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- Хулоса ва қарор қабул қилиш;
- Ижодий фикрлай олиш;
- Мустақил мушоҳада юрита олиш;
- Олган билимларни амалда қўлай олиш;
- Моҳиятини тушуниш;
- Билиш, айтиб бериш;
- Тасаввурга эга бўлиш;
- 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- Мустақил мушоҳада юрита олиш;
- Олган билимларини амалда қўлай олиш;
- Моҳиятини тушуниш;
- Билиш, айтиб бериш;
- Тасаввурга эга бўлиш.

56-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- Моҳиятини тушуниш;
- Билиш, айтиб бериш;
- Тасаввурга эга бўлиш.

Қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-55 балл билан баҳоланиши мумкин:

- Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;
- Билмаслик.

Намунавий мезонлар асосида муайян фандан жорий ва оралиқ назоратлар бўйича

аниқ мезонлар ишлаб чиқилиб, кафедра мудири томонидан тасдиқланади ва талабаларга эълон қилинади.

Талабанинг фан бўйича рейтинг қуйидагича аниқланади: R=V\*O: 100

Фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган балнинг 55 фоизи саралаш балл этиб белгиланади.

Жорий ва оралиқ назоратларни ҳар бирига ажратилган балнинг саралаш бали 55 фоиздан ортиқ балл тўплаган барча талабалар ушбу фан бўйича якуний назоратга кирилади.

Агар талаба якуний назоратда шу назорат тури бўйича саралаш балидан юқори балл тўпласа, бу балл жорий ва оралиқ назоратларда тўплаган балларга қўшилади. Акс ҳолда талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи фақат жорий ва оралиқ назоратларнинг баллари йиғиндисидан иборат бўлади (мазкур тартиб тиббиёт олий таълим муассасаларида ректорлар Раёсати қарори асосида белгиланади).

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

Оралиқ ва якуний назорат турлари календарь тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат

жадваллари асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охириги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

Талаба фан бўйича курс лойиҳаси (ишини) ушбу фан бўйича тўплаган баллари умумлаштирилишига қадар топшириши шарт.

Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларга қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат турига, сўнги жорий ва оралиқ назоратлар учун якуний назоратга бўлган муддат берилади.

Белгиланган муддатларда топширилмаган жорий ва оралиқ назорат баллари кейинги баҳолаш балларига қўшилмайди ва қайта топширишга рухсат берилмайди.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий, оралиқ ва якуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлагандан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида фан бўйича жорий, оралиқ ёки якуний назорат турларини ҳар бири бўйича саралаш балидан кам балл тўплаган талабанинг ўзлаштириши қониқарсиз (академик қарздор) ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугагандан кейин қайта ўзлаштириш учун 2 ҳафта муҳлат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба, факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан муражаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган тартибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштирилиши рейтинг дафтарчасига қайд этилмайди.

Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турлари натижалари гуруҳ ва профессор-ўқитувчи журналлари ҳамда қайдномада қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, 2 (икки) кун муддат ичида) талабалар эътиборига етказилади.

кўплаб ҳадислар бор. "Кимки учта қиз фарзандни ўстириб, тарбиялаб, вояга етказиб муносиб жойларга узатса, унинг мукофоти жаннатдир". Шундан ҳам кўриш мумкинки, бизнинг ота-боболаримиз асрлар давомида исломий маънавиятларига содиқ бўлган ҳолда фарзандларига ўзига хос таълим-тарбия улашиб келганлар.

Аждодларимиз оилага, ундаги ахлоқий муҳит, тарбияга доимо эътибор қаратиб келганлар ва бу борада ўнлаб насихатномалар, пандномалар, ахлоқ-одоб мавзусига бағишланган асарлар яратганлар.

Абу Наср Фаробий ёзишича "Таълим-тарбиянинг бирдан-бир вазифаси - киши яшаб турган жамиятнинг талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган ва жамиятни бир бутунлиқда, тинчлик ва фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган мукамал инсонни етиштиришдир".

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, аждодларимиз қолдирган маънавий меросимиздан оқилона фойдаланиб улардан ёшлар тарбиясида кенг кўламада қўлланилса келажак авлодни етук бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Миллий кадрлар билан курашган миллат ёшлари ҳеч қачон ватан мустақиллигини, халқ эркини ёт қўлларга бериб қўймайди ва юрт равнақи йўлида фидокорона хизмат қилади.

Ф. АҚЧАЕВ. институт «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси.

Ҳар бир миллатнинг давомийлиги, эртанги куни, порлоқ келажаги бу албатта бугун вояга етиб келаётган ёшларни тарбиялаш билан боғлиқ. Келажакни нурли, файзли бўлишини, кексайган чоғида хузур ҳаловатда умр кечирини истамаган ота-она бўлмаса керак. Демак бахтли келажак яратиш бугун вояга етаётган ёш авлодни ҳар томонлама куч-ғайратли, ақл-идрокли, етук билимли жисмоний ва маданий-маънавий камолотини таъминлашга боғлиқдир.

бениқсон бўлиши керак. Инсоният ўз ҳаёт йўлини танлар экан, зиммасига олган мажбурият ва оилавий бурчини бажаришга масъулдир. "Авсето" да таъкидланишича,

Яна "Авесто"да ёшларни таълим олишлари кераклиги ҳақида ҳам бир қанча ибратли сўзлар келтирилган. "Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқишни ва сўнгра эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин".

Кўриниб турибдики, Зардуштийлик таълимотида фарзандни ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишида жамият аъзо-

# МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Фарзанд азиз, илму-одоби ундан ҳам азиз. Шу боис фарзандлар тарбияси барча замонларда жамият учун энг муҳим вазифалардан бўлиб келган. Тарихга мувофиқ қилсак, кўҳна ва мўътабар қўлөз-мамиз, миллий маънавиятимизнинг олис ёғдуси бўлмиш "Авесто"да "ер юзининг энг шоду ҳуррам макони бу иймон ва фарзандлар бор макондир", дейилади.

"Авесто"да оила, соғлом авлоднинг пайдо бўлиши, бениқсон наслнинг туғилиши учун зарур бўлган соғлом турмуш тарзи, наслнинг соғломлиги, зурриётнинг покизалиги, унинг ақлий, ахлоқий, рухий, жисмоний, маънавий-ҳуқуқий тарбияси хусусида қайғуриш биринчи ўринга қўйилган.

"Авесто"да "Менга хонадоним, киш-логим, шаҳару-мамлакатим шўҳратини дунёга кўз-кўз қиладиган ўқимшли, ишбилармон, соғлом ўғлон бер" дейилган. Муҳими шундаки, эркак киши айиланиши ва зурриётли бўлиши учун аввало моддий ва маънавий томондан тўқ жисмонан бақувват, руҳан ва жисман

ўсмирлар 15 ёшга тўлганда балоғатга етган ва турмуш қуриш ҳуқуқига эга ҳисобланганлар. Оила қуриш жамоа, ота-она измида бўлган. Шу сабабли жамоа ва ота-оналар бўлажак келин-куёвларни танлашда обдон ўйлаб иш қўришган.

Зардуштийликда нуқсонли фарзанд туғилишини олдини олиш мақсадида амалий моҳиятга молик мулоҳазалар юритилган. Жумладан, фарзанднинг соғлом туғилиши учун ҳомиладор аёл ортиқча ҳаяжонланмаслиги, изтиробга тушмаслиги, фақат ҳалол лўқма ейиши лозим, деб ҳисобланган ва уларга мутасил хурмо, анор, узум, анжир истеъмол қилиб юриш буюрилган.

ларининг ўрни, ота-оналарнинг ҳалол касб қилишлари ва аёлларни эъзозлаш юқори ўринда турган.

Жамиятнинг бирлиги, кишиларнинг бир-бирларига меҳр-муҳаббатли бўлиши, соғлом турмуш-тарзи, оиланинг тинчлиги, фарзандларни камолини ўйлаш ҳар бир диннинг жумладан, Ислом динининг ҳам бош ғоясидир. Ислом таълимотида фарзандларни билимли, соғлом, ақл-идрокли, диний ва дунёвий билимларни мукамал эгаллашлари учун ҳар бир ота-она масъул ҳисобланади.

Ислом таълимотида фарзандни жинсидан қатъий назар унга диний ва дунёвий таълим бериш кераклиги хусусида жуда



Эко тарбия-замон талаби

Хурматли "Зиё чашмаси" тахририяти ходимлари!  
Газетанинг ўтган йилги сонларида инсон ва табиат, экология ва ҳаёт, Жиззах вилояти табиати тўғрисида бир қатор қизиқарли мақолалар босилган эди. Биз ундан баҳраманд бўлган эдик. Газетамизда қўриқхоналар таърихи ва республикамиз қўриқхоналари ҳақида қисқача маълумот берсангиз.  
МАТЛУБА ТУРСУНМАТОВА,  
педагогика факультети 4-курс талабаси.

Ўзбекистон қўриқхоналари

Қўриқхона сўзи қадимда асосан "қўриқ" атамаси билан ишлатилган бўлиб, бу сўз луғатимизда бир неча хил маъно касб этади: 1. Дехқончиликда фойдаланилмай диган ерлар. 2. Ҳали инсон қадами етмаган ерлар. 3. Табиий ҳудуднинг табиийлигини табиий ҳолда сақлаб қолиш учун ташкил этилган ерлар.

**Чотқол биосферавий қўриқхонаси** инсон ҳўжалик фаолиятининг табиатга таъсирини айрим регионлар ва сайёра қатламида ўрганиш, баҳолаш, назорат қилиб туриш мақсадида 1947 йилда Тошкент вилояти ҳудудида ташкил этилган.  
**Қизилқум давлат қўриқхонаси** 1971 йилда ташкил этилган. Унинг мақсади



Қадимий ҳужжатларда "Хон қўриғи", "Аҳси қўриғи", "Оқжар қўриғи", "Ермасжид қўриғи", "Шахрихон қўриғи", "Риштон қўриғи" қабилар қайд этилган. Қадимда давлат тасарруфидеги қўриқлар эҳтиётланиши ва фойдаланиши жиҳатидан икки турга ажратилган.  
1. Зироат қўриқ - чекланган даражада дехқончилик қилиш, яълов сифатида фойдаланиш ва ҳўжаликка яроқли ўсимликларни йиғишга руҳсат бериладиган ерлар.  
2. Қатоғон қўриқ - ҳўжалик фаолияти мутлақо таъқиқланган, хон, унинг хонадон аъзолари ва олий даражали мансабдорлардан ташқари барча фуқаролар учун ов қилиш таъқиқланган, табиати асл ҳолида сақлаб қолиндирилган ерлар.  
Зироат қўриқ ҳозирги буюртма хоналарга, қатоғон қўриқ ҳозирги қўриқхоналарга мос келади.

Бухоро бугуларини кўпайтириш ва муҳофаза қилиш.  
**Бадай-Тўқай давлат қўриқхонаси** 1971 йилда тўқай ўрмонлари ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш мақсадида Қорақолпоғистон Республикасида ташкил қилинган.  
**Сурхон давлат қўриқхонаси** Сурхондарё вилоятида 1974 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси тўқай ўрмонларини сақлаб қолишдан иборат.  
**Нурота давлат қўриқхонаси** 1975 йили Жиззах вилоятининг Нурота тизмалари ҳудудида ташкил қилинган. Унинг мақсади ёнғоқнинг кимматбахо турларини, Халқаро "Қизил китоб" га киритилган Северский қўйларини кўпайтириш ва муҳофаза қилишдан иборат.  
Самарқанд вилоятининг Зарафшон дарёси воҳасида **Зарафшон давлат қўриқхонаси** тўқай камплексини қўриқлаш, чилонжийдаларни сақлаш, Зарафшон қирғовулини кўпайтириш мақсадида 1975 йилда ташкил қилинган.  
**Китоб давлат геология қўриқхонаси** 1979 йили ернинг геологик тарихига оид илмий ёдгорликлар бўлмиш ноёб палеонтологик объектларни режа асосида ўрганиш ва муҳофаза қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятида ташкил қилинган.  
**Хисор тоғ-арча қўриқхонаси** арча ўрмонзорлари ҳамда шу ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонларини сақлаш, кўпайтириш ва муҳофаза қилиш мақсадида Сурхондарё вилоятида 1983 йилда ташкил этилган.


Қўриқхоналар тарихига оид фикрлар ҳудудимизда жуда қадимдан бошланган Масалан, М. Қошғарий қаер тақиқланган ҳудуд бўлса ўша ерлар қўриқхона деган фикрни ёзиб қолдирган.  
Ўзбекистонда қўриқхоналар Россиядан анча илгари ХУ-ХУ1 асрларда табиат, ўсимликлар ва ҳайвонларни қўриқлаш мақсадида ташкил қилинган.  
Ҳозирги пайтда Республикада 9 қўриқхона мавжуд бўлиб, уларга қадимги қўриқхоналардан фарқли равишда табиатдаги ноёб жиҳатлари билан диққатга сазовор қисмлар, ландшафтларни жамият манфаатлари учун узоқ муддатга сақлаш асосий вазифа этиб белгиланган.  
Куйида мавжуд қўриқхоналарнинг ташкил этилиш тарихи, ҳамда уларнинг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумотлар берамиз.  
Жиззах вилоятида жойлашган **Зомин давлат қўриқхонаси** 1928 йилда ташкил этилган бўлиб, унда асосан тоғ ўрмонларини, арча биологиясини ўрганиш ва уларни кўпайтириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш ишлари олиб борилади. Қўриқхонада 600 дан ортққ ўсимлик тури ўсади. Шундан 13 тур ўсимлик "Ўзбекистон Қизил китоби" га киритилган. 400 дан ортққ ўсимликлар фойдали хусусиятга эга бўлиб, шундан дориворлари 200 дан ортққидир.

Унинг олтмиш ёшини нишонлаётган устозимиз Умирбой Пирназаровни кўп сонли шогирдлари катори чин дилдан табриклаймиз ва у кишига соғлиқ саломатлик тилаб барча шогирдлари номидан:  
**Н.Х.Қушвақтов,**  
педагогика кафедраси мудири,  
доцент.

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш миллий дастури негизини ташкил этадиган тамойиллар асосида янгица дунёқарашга эга, мустақил фикрлайдиган, ишонч ва эътиқоди мустаҳкам, Ватани ва халқига содиқ фарзандлар бозор иқтисодиётига бардош бера оладиган мутахассислар тайёрланмоқда. Мана шундай улкан ва хайрли ишга кўп қабил таърибали устозлар ўзларининг бебаҳо хиссаларини қўшаёттилар. Ана шулардан бири "Хорижий тиллар" факультети "Рус тили ва адабиёти" йўналиши бўйича бўлим бошлиғи филология фанлари номзоди, доцент, етук олим ва маҳоратли педагог Умирбой Пирназаровдир. У қарийб қирқ йилдан бери ёшларга таълим-тарбия бериб устоз деган улуг номни шарафлаб келаяпти.

- илмий тадқиқот ишларининг асосий йўналишларига эътибор берилди;  
- тадқиқотчилар тўғрисида маълумотлар банки тўпланди;  
- профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишлари мавзулари, илмий тадқиқот натижалари тизимлаштирилди;  
- талабаларга илмий изланишлар олиб боришлари учун шароитлар яратилди;  
- таъриба - синов майдончалари белгиланди.

Устоз ана шундай ишларни амалга оширгач, факультет жамоаси раҳбариятдан устоз Умирбой Пирназаровни хорижий тиллар факультетига раҳбар этиб тайинлашни илтимос қилишди. Институт раҳбарияти факультет жамоасининг илтимосини инобатга олди. Кўп йиллар устоз хорижий тиллар факультети декани, бугунги кунгача рус тили ва адабиёти йўналиши бўйича бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.  
Умирбой Пирназаров қаерда, қайси лавозимда ишлаганини, ҳалол меҳнат қилиб ёруғ юз билан ўз зиммасидаги масъулиятли ишларни амалга оширмоқда. Устоздаги инсоний фазилатлар унга бахт, иқбол,



Устозлар ҳақида гап кетганда - инсон қалби нурга, зиёга яна бир бора тўлиб кетади. Кўз олдинга ўзининг ёшлигини, гўрлигини келади ва уни бугунги кундаги камолотинг билан беихтиёр таққослайсан. Ана шундагина Устознинг тер тўкиб ишлагани, шер қаби ваҳожат билан сени ҳимоя қилгани, отангдек кўнглингни кўтаргани, кўлингдан тутиб бир ишни бошлагани, унга ўзи доимо бош-қош бўлиши унинг улуг инсон эканлигини англайтиб турганини ҳис қиласан.

Мен, шахсан устозим Пирназаров Умирбой Пирназарович тўғрисида шундай фикрларни куйидагича билдиришни истар эдим.  
Бундай камтарин, зиёли, маданиятли, қалби меҳрға лимо-лим тўла, ўз касбининг муҳир билимдони, педагогик маданият ва маҳоратга эга шахс, фидойий олимни камдан кам учратаман.  
Улар ўз қалбининг буюклиги, ҳис-туйғуларга бойлиги, интилувчанлиги ва сезувчанлиги билан ёшларни эргаштиради, уларга бунёдкорлик ғояларини сингдириб юради. Ана шундай инсонларга шогирд бўлишнинг ўзи бир бахт.

Умирбой Пирназаров 1949 йил 1-сентябрда Самарқанд вилояти, Булунгур туманидаги Октепа қишлоғида таваллуд топган. Ўрта маълумотни Октепа қишлоғидаги 15-мактабда олди. Отаси Пирназар, волидаи муҳтарамаси Махфират оналар томонидан берилган таълим-тарбия туфайли ўртоқлари орасида ажралиб турарди. Болаликдаги орзу-ҳаваслар пок ва самимий бўлади. Ана шунинг учун ҳам устоз, дунё тан олган буюк педагоглардан А.С. Макаренко ва В.А. Сухомлинскийлар таҳсил олган В.Г. Короленко номидаги Полтава Давлат педагогика институтига 1966 йилда ўқишга кириб унинг рус тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича 1971 йилда имтиёзди диплом билан тугатди.

Полтава Давлат педагогика институтини рус филологияси факультетининг етакчи профессор-ўқитувчилари ўтган асрнинг саксонинчи, тўқсонинчи йилларида талаба Пирназаров Умирбой тўғрисида гапирганда жумладан шундай дейишган эди: "Бизнинг талабамиз Пирназаров Умирбой талабалар орасида энг иқтидорли, изланувчан, талабчан бўлганлиги боис ҳам биз ҳали-ҳануз уни ибрат қилиб талабаларга гапириб берамиз. У

идеал талаба".  
Украинада ўзбек йигити тўғрисида шундай фикрларнинг билдирилиши ўзбек халқига, қадриятларимизга нисбатан қардошларимизнинг эҳтиромини

КАМТАРТА КАМОЛ

Устоз Умирбой ПИРНАЗАРОВ 60 ёшда

англатар эди.  
Институтни тугатганидан сўнг, Умирбой Пирназаров ўзи таҳсил олган 15-сонли ўрта мактабга ўқитувчи бўлиб ишга кирди, ва 1977 йилгача шу мактабда дарс берди. Ўз ўқувчиларини нафақат билимга, балки ахлоқ-одобга, инсоний фазилатларга, миллий қадриятларга сидқидилдан ўргатди.

Ҳаётда доимо бунёдкор ғоялар билан яшаб келаётган, устоз ўз билими ва маҳоратини янада ошириш ниятида 1977 йили Жиззах Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга келади. Ўз касбига бўлган садоқати, иқтидори, иш юритиш қобилиятини сезган институт раҳбарияти уни 1977 йили кадрлар бўлими бошлиғи қилиб ишга тайинлашади. Бу ишда 1985 йилгача ўзининг ташкилотчилик иш юритиш қобилиятини намойён қилиш билан бир қаторда ўз устида ишлаб, илмий изланишлар олиб бори.

1990 йилда "Европа тилларидан ўзлаштирилган сўзлар морфологияси" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Илми кучли даvon ошар, деганларидек, у 1991 йили рус ва умумий тилшунослик кафедраси мудири этиб сайланди. Кафедрага мудирилик қилган чоғлари махсус ўқув хоналарини жиҳозлаб, уни ўқув адабиётлари билан тўлдириб, дарс жараёнига ўқув-техник воситаларини олиб кириш борасида анча ишлар қилди. Талабаларга замонавий педагогик технологиялар асосида дарс ўтиш лозимлигини устоз ўша пайтлари ёш профессор-ўқитувчиларга ўргатар эди. Домладаги бундай ишчанлик қобилияти институт раҳбариятини яна бефарқ қолдирмади. 1997 йилдан бошлаб шу институтда илмий ишлар бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатди. Бу ерда устоз томонидан:

Музыка йўналиши

Кўпроқ машқ қилинг

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик йилларида барча фанлар қатори музыка санъатига ҳам катта эътибор берилмоқда. Чунки қадимдан ота-боболаримиз фарзандларига дунёвий илмларни ўрганиш билан бирга музыка сирларидан ҳабардор бўлишга ҳам катта эътибор берганлар. Ал-Фаробийни "Музыка-ҳақиқатдан ҳам олийжаноб фан, нафис санъатдир. Фақат олийжаноб кишиларгина ета олади ҳолос" деган эди. Президентимизнинг Тошкент давлат консерваториясини янги биноси очилишида сўзлаган нутқида "Асрлар давомида мисқоллаб тўпланган аждодларимиздан бизга етиб келаётган бебаҳо маънавий меросимиз каторида музыка жавоҳирларини ҳам асраб-авайлаб, яна бойитиб келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак" дегани фикрлари бунинг исботидир.  
Маълумки, таълим жараёнида кўпгина (математика, физика, она тили, педагогика, психология ва бошқа) фанларни ўрганишни онгли-ижобий ёндошув орқали амалга ошириш имконияти бор. Аммо амалий кўникма ва малакани кўпроқ талаб қиладиган фанлар ҳам мавжуд. Жумладан, жисмоний тарбия, касб ҳунар, меҳнат талими, тасвирий санъат ҳамда мусиқий таълимда амалий кўникма ва малака кўпроқ талаб қилинади.

Музыка фанини устозларсиз ўрганиб бўлмайди, хоҳ у анъанавий йўлда бўлсин, хоҳ илмий йўналишда бўлсин. Музыка ижрочилигини ўрганиш мустақил амалий машқга

асосланади.  
Устоз ҳар бир ижро усулини шогирдга кўрсатади, шогирд эса уйда мустақил машқ қилиб тузатиб келади. Шу тарика битта оддийгина асар камида бир ой давомида мунтазам машқ қилиб ўрганилади. Бу ўрганишда асарнинг ижро маҳоратини аъло даражага етказиш учун яна камида бир ой талаб қилинади. Юқорида қайд этилган жараён мусиқа таълими йўналишлари сари талаба билан ўтказиладиган ишларнинг ниҳоятда мураккаблигини кўрсатади.  
Мусиқий таълимнинг ўзига хос ва мос хусусиятлари мавжуд. Унга асосан мусиқа асари тўғрисидаги билим, тасаввур билан биргаликда чолғу асбобларига нисбатан касбий муносабатлар яъни кўникма ва малакаларнинг етарлиги ҳам муҳим рол ўйнайди. Яъни талаба мусиқа асарининг ижро назариясини онгли равишда, аъло даражада билганда ҳам уни ижро этиб бермаса фол талаба ҳисобланмайди.  
Бўлажак мусиқа ўқитувчилари ҳар кун мунтазам 2-3 соат чолғу ижрочилиғи ёки хонандалик устида машқ олиб боришлари зарурдир. Шу қаби машқатларга бардош бериб, мунтазам машқ қилувчи талабалар мусиқа соҳасидаги сирлардан воқиф бўла оладилар.

Р.Ҳалимов,  
музыка ўқитувчи.



## Азиз Устозим!

Ушбу шеърим устозим, филология фахлари номзоди доцент Усмонов Низомиддин Утаевичга бағишланади.

Дунёда улуглар кўпдир жуда ҳам,  
Улар бор ҳаётда гўзал ҳар бир дам,  
Сиз очик кўнгилсиз, йилитдек кўркем,  
Ҳар сиздан сўз очсам жўшқин овозим,  
Доим омон бўлинг, азиз устозим!

Кўзингизда порлар бир олам мейр,  
Кўнглингизда поклик, ўзгача сеҳр,  
Сизга ёт туйғудир газаб ва қаҳр,  
Мадҳингиз куйласам қувнайди созим,  
Доим омон бўлинг, азиз устозим!

Саҳватпешасиз, олийҳиммат, мард,  
Сиз мотин ирода, юраги бегард,  
Дейман: "Икки дунё кўрманг сира дард!",  
Ҳар учсам бўлғайсиз баланд парвозим,  
Доим омон бўлинг, азиз устозим!

Эл ичида ҳамон ёруғ юзингиз,  
Порлаб тураверсин нурли кўзингиз,  
Кун сайин кўпайсин шогирдларингиз,  
Сизга бўлсин барча кўшиқ-баёзим,  
Доим омон бўлинг, азиз устозим!

Вазира Абдуллаева,  
педагогика факультети  
4-босқич талабаси.

## Қатрлар

Қиш менинг умримни олди. Мен  
унинг сабогини.

Ҳаётни катта-кичик касблар эмас,  
Катта-кичик инсонлар бошқаради.

Энг чиройли инсон-камтарлик  
либосидаги инсондир.

Инсон қачонки ўзи учун қадрият  
деб билган аъналардан четга  
чикмасагина у ҳақиқий бахтли  
инсондир.

Фаолиятга киришмай туриб пайдо  
бўлган безовталиқ-иш жараёнидаги  
безовталиқдан кўра хавфлироқдир!

Ҳар бир ҳикматли сўз замирида  
аччиқ ҳаёт сабоғи яширинган.

Беҳуда изтироб чекиш пишган  
овқатни қайта пиширишдек гап.

Умида Элова,  
хорижий тиллар факультети  
4-курс талабаси.


## Юрт соғинчи

Она юртим тупроғига етолмадим,  
Ўзга юртни ватан деб ҳам айтолмадим,  
Қалбда қотган музлаб ётган туйғуларни,  
Ватан сенинг қайноқ меҳринг атолмадим,  
Она юртим дийдорига тўёлмадим.

Ўзга юртнинг гўзал боғу-роғлари ҳам,  
Ўз юртимнинг ёнтоғича бўлолмади,  
Ёмғир юрган не бир гўзал жойлари ҳам,  
Тўзи ётган саҳроимга келолмади,  
Она юртим дийдорига тўёлмадим.

Дўстларим ҳам душман ишин қилиб кетди,  
Ёруғ кунлар зулматларга синиб кетди,  
Ватаним ҳам йироқларда қолиб кетди,  
Мен барибир сиздан кўнгул узолмадим,  
Она юртим дийдорига тўёлмадим.

Матлуба Турсунматова,  
мактабгача талим ва болалар спорти йўналиши 4-курс талабаси.



## Қадриятларимизни асраб авайлайлик

## МЕҲМОНДУСТЛИК ФАЗИЛАТИ



Меҳмондўстлик инсонларда мардликни шакллантиради, маданиятни юксалтиради, покизалиқ, чаққонликни тақозо этади. Кимнингдир уйига меҳмон келиши яхшилик белгисидир. У кишиларда саҳийлик, хушмуомалалиқ сифатларини тарбиялайди. Меҳмон хонадонга хурсандчилик, шод-хуррамлик, аҳиллик олиб киради ва аразгиналар барҳам толади. Шунинг учун ҳам меҳмонни суямиз. Умар Хайём айтганидек:

Аҳил бўлса олам ичра ҳам  
инсон,  
Аҳил кишиларга олам ҳам  
осон.

Меҳмондўстлик кишидаги худбинлик каби ярамас хусусиятлар ўрнига инсонпарварлик, одамгарчилик каби ижобий хислатлар, кўполлик, кўрслик сингари ёмон иллатлар ўрнига хушфеъллик ва хушмуомалалиқ каби яхши сифатларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлади. Одбосиз киши меҳмон олдида одоб сақлайди. Беҳаёлар ҳаёли бўлишади. Акс ҳолда бундай шахслар уятга қолишади. Меҳмондўстликни ярамас одатлардан асрасак уни янғича мазмун ва ўзгача шаклларда ривожлантирсак бу кишиларни хушмуомала, одамшаванда хушфеъл, инсонпарвар қилиб тарбиялайди. Ўзбек халқи меҳмонни севади. Ҳозирги кунда юртимизга ҳар кун жаҳоннинг турли қил мамлакатларидан сайёҳлар ташриф буюрадилар. Уларнинг орзуси — Ўзбекистон деб номланган

қадимий ўлкани, Шарқнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қўқон, Хиваю Шаҳрисабздек шаҳарлари тарихий обидаларини томоша қилиш билан бирга уларнинг меҳмондўст халқ эканлигини кўриб хайратланиб, завқ олиб маънавий оламини бойитиб кетишади. Табиғий сайёҳларнинг бу борадаги қизиқишлари ниҳоятсига етмайди. Халқимизнинг турмуш тарзи, шарқона одоб-ахлоқи ва дастурхонимизга ҳавас қилиб қайтишади.

Дастурхон атрофида ўзбек халқининг самимиёти жўш уриб туради, миллий қадриятларимизни ҳам моддий ҳам маънавий кўринишлари уйғунлашган ҳолатда юзага чиқади. Халқимиз дастурхонни муқаддас ризқ — рўз манбаи деб билган. Узоқ йиллардан буён дастурхон одоби, таом емак қоидаларига аждодларимиз қатъий амал қилиб келганлиги маълум. Бироқ дастурхон пок бўллатуриб унинг устидаги неъматлар ҳам покиза бўла туриб дастурхон атрофидагиларнинг ичлари қирланиб кетганлиги, устидаги тоза кийимлари ичларидаги қирларини яшириб келадиган инсонлар ҳам йўқ эмас. Меҳмондўстликнинг яна бир кўриниши тўйларимизда намоён бўлади. Ўз навбатида шуни таъкидлаш жоизки, манманлик ва мақтанчоқлик, исрофгарчилик, лаганбардорликнинг энг хунук кўриниши — тўй маросимларда қилинаётган сохта саҳийликдир. Ҳар бир худуднинг ўзига ҳоқ одамлари ва удумлари бор. Афсуски ҳозирги кунги ёшларимизнинг ўзбилармонлиги, ота оналарининг манманлиги тўғрисида меҳмон

қутишда ва дастурхон бе-зашда яхши урф — одатларимиз унутилмоқда

Аслида эҳтиёж имкониятга қараб қондирилади. Баъзи оилаларда бу қоидага амал қилмаслик меҳмоннавозликда режасизлик, исрофгарчиликка йўл қўйилиши оқибатида топилган бойликнинг барақаси бўлмайди. Шунингдек, тўйларда меёрга амал қилмаслик тўй эгасига обрў эмас, аксинча хижолатпараслик келтиради. Исроф энг хурматли оилаларни ҳам бузади.

Халқимиз томонидан асрлар давомида мукамаллаштирилиб, сайқаллаштирилиб келинаётган мўътабар одатни — меҳмондўстликни баъзи бировлар шахсий манфаат йўлига буришса баъзилар урф — одатларни бажо келтирадиган маросимга айлантдириб юбормоқда. Шунингдек меҳмонни кийган кийимига қараб тоифага бўлувчилар ҳам катта хато қилади. Меҳмон ким ва қандай кийим кийишидан қатъий назар у меҳмон, у инсон. Бу одатларимизни салбий томонларини йўқотиш, ижобий томонларини ривожлантириш орқалигини ёшларимизни меҳмоннавозлик руҳида тарбиялай оламиз. Кераксиз одатларнинг пайдо бўлиши ва изсиз йўқолиб кетиши бизнинг ва биз каби ёшларнинг онгимизга ва виждонимизга боғлиқ.

Кибр ва манманликдан озгина чекинсагина олам — олам савобга ва хонадонимизнинг чексиз хотиржамлиги ва саодатига эришамиз.

Алишер Арипов,  
тарих факультети МИФ,  
хуқуқ ва маънавият  
асослари йўналиши 4-курс  
талабаси.

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

## БОТИРЛИК ВА КЎРҚОҚЛИК ҲАҚИДА

Арслон изидан қайтмас,  
Йигит — сўзидан.

Йўлбарсни енгган эмас,  
жаҳлни енгган — ботир.

Ботир ботқоқдан ҳам ўтар,  
Қотқоқдан ҳам.

Кучукдан кўрққан гадо бўлмас.

Ботир милтиқсиз бўлмас.  
Балиқ — қилтиқсиз.

Кўз — кўрқоқ, қўл — ботир.

Ботир ўртоқ — бой ўртоқ.

Тиз чўкиб яшагунча,  
Тик туриб ўлган яхши.

Ботир қиличсиз ҳам ботир.

Тилингни ботир қилма,  
Ўзингни ботир қил.

Ботирнинг қони чиққунча,  
Кўрқоқнинг жони чиқар.

Юз кўрқоқдан бир ботир  
афзал.

Бўлсанг агар кўрқоқ,  
Бошингда ўйнар тўқмоқ.

Кўрқоқнинг кўзи катта,  
Аҳмоқнинг — сўзи.

Ёв қочса ботир кўпаяр.

Кўрқоқнинг қони чиққани —  
жони чиққани.

Ит кўрқоқни талар.

Кўрқоққа ип илон бўлиб  
кўринар.

## ИЛМ, КАСБ-ҲУНАР ҲАҚИДА

Аввал ўрган кейин ўргат.

Билимсиз — золим.

Авом табиб — офатиг'жон.

Билимлига дунё ёруғ,  
Билимсизга — қоронғу.

Ақл кўпга етказар,  
Ҳунар — кўкка.

Билимлининг билими  
юқар,  
Билимсизнинг нимаси  
юқар.

Билмак билан битмаган,  
Билим билан битар.  
Билган билганин ишлар,  
Билмаган бармоғин тишлар.

Билишим,  
Билишимга тушар бир  
ишим.

Билган ўқир,  
Билмаган тўқир.

Билимсиз кишига иш йўқ  
Илмсиз кишига ош йўқ.

Билим — ақл чироғи.

Билимсиз мулладан устига  
юқ ортилган эшак яхши.

Билим бахт келтирар.

Билимсиз халфа — экинсиз  
дала.

Билим — давлатдан қиммат.  
Билимли — олим,

Билмаган айб эмас,  
Билишга тиришмаган айб

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

ЗИЁ ЧАШМАСИ

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги  
Жиззах Давлат педагогика  
институту

Редакцияга келган хатлар таҳлил  
этилламайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газета Матбуот ва ахборот  
агентлигида № 06-028 рақами билан  
рўйхатга олинган.

Босишга топширилган  
вақти — 19.00  
Топширилди — 18.00

Манзил: Ш.Рашидов шоҳ  
кўчаси, Абдулла Қодирий  
номли Жиззах  
Давлат педагогика институту.

«Zamin Print» МЧЖ босмахонасида офсет усулида  
4500 нусхада босилди.  
Буюртма № 416. Shaki- A-3.